

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УЗОКОВ ЖАВЛОН РУСТАМБОВЕВИЧ**

**ХРОМАТОГРАФИЯ УЧУН НАНОСОРБЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ  
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04 -Физик кимё**

**02.00.12-Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Узоков Жавлон Рустамбоевич**

Хроматография учун наносорбентлар ва уларнинг физик-кимёвий  
хоссалари..... 3

**Узоков Жавлон Рустамбоевич**

Наносорбенты для хроматографии и их физико-химические свойства ..... 21

**Uzokov Javlon Rustamboevich**

Nanosorbents for chromatography and their physico-chemical properties ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УЗОКОВ ЖАВЛОН РУСТАМБОВИЧ**

**ХРОМАТОГРАФИЯ УЧУН НАНОСОРБЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ  
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04 -Физик кимё**

**02.00.12-Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология (кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида Н2020.4.PhD/K338 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетини таъминлаган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (resюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Мухаммадиев Нурали Қурбоналиевич кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эшмаматова Нодира Бахромовна кимё фанлари доктори, доцент Эшметов Иззат Дусимбатович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти


Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.K.02.05 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «31» 01 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: [m\\_nasrullaeva@mail.ru](mailto:m_nasrullaeva@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «20» 01 кун тарқатилди.  
(2022 йил «19» 01 даги 11 - рақамли реестр баённомаси)



  
**Насимов А.М.**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

  
**Сайиткулов Ш.М.**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

  
**Нормахматов Р.**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кремнезем материаллар ва улар асосида олинадиган мезоғовак сорбентлар ўзларининг кимёвий, термик, механик барқарорлиги, сорбцион хоссаларининг юқорилиги, каталитик инертлиги каби ноёб хусусиятларга эга бўлганлиги учун улар фан ва саноатнинг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Уларнинг алоҳида амалий аҳамиятга эга бўлган ўзига хос томонлари сирт юзаси ва ғоваклик даражасининг юқорилигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам мезоғовак материалларнинг иссиқликдан ҳимояловчи қопламалар олиш, муқобил энергия ишлаб чиқаришда, катализаторлар яратишда, хроматографик ажратишларда тутувчи ва сорбент сифатида, генларни бир-биридан ажратишда, дори воситаларининг хроматографик таҳлилида, оқова сувларини ҳар хил ифлословчилардан тозалашда, кимёвий сенсорлар олишдаги ўрни бекиёсдир.

Жаҳонда мезоғовак материаллар ва композитлар синтези ҳамда уларнинг текстур характеристикаларини ўрганиш бўйича талайгина муваффақиятларга эришилган. Жумладан, мезоғовак сорбентлар ва уларнинг турли композитларини текстур, геометрик ва сорбцион характеристикаларини электрон микроскопия, дифрактометрия ва сорбция изотермаси ёрдамида ўрганиш бўйича натижалар олинган. Шу билан бир қаторда мезоғовак сорбентлар олишда уларнинг текстур характеристикаларини бошқариб, берилган хоссани номоён қиладиган мезоғовак сорбентлар ва улар асосида турли композитлар олиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ушбу соҳада олиб бориладиган илмий тадқиқотлардан энг самарали йўналишлардан бири табиий ва синтетик цеолитлар, маҳаллий хом ашёлар асосида сорбентлар синтези ҳамда уларнинг хоссаларини текширишга бағишланган бўлиб, уларга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, мезоғовак материаллар ва композитлар олишнинг золь-гель технология ва тескари микроэмульсияга асосланган янги усулларни ишлаб чиқиш, олинган материалларнинг текстур, геометрик, сорбцион характеристикаларини тадқиқ этиш, уларни амалиётга, жумладан хроматографияда қўлланиш имкониятларини ошириш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони;

стратегияси” тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон “2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодий тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом-ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ҳамда технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг илмий марказларида мезоғовак материаллар синтез қилиш ва уларнинг текстур, каталитик, сорбцион каби характеристикаларини ўрганиш ҳамда олинган материалларни қўлланилиш имкониятларини баҳолаш бўйича талайгина тадқиқотлар ўтказилган. Бу борада F. Schtith (Германия), Risheng Bai, Yue Song, Yi Li, Jihong Yu (Хитой), Keisuki Kageyama, Junichi Tamazawa, Takuzo Aida, Yanagisawa (Япония), Shuguang Deng (АҚШ), Киселев А.В., Сакодинский К.И., Волков С.А., Яшин Я.И., Беленький Б.Г., Даванков В.А., Ланин С.Н., Никитин Ю.С., Шербакова К.Д., Курбатова С.В., Агеев А.Н., Онучак Л.А., Шпигун О.А. ва бошқаларнинг хизматлари салмоқли бўлиб, улар томонидан мезоғовак кремнезем материаллар ҳамда уларнинг турли композитларини олишнинг самарали усуллари яратилган. Шунингдек, уларнинг текстур, сорбцион характеристикалари замонавий усулларда тадқиқ этилган, ғоваклик ўлчамининг ва материалнинг олиниш усулига боғлиқлиги ўрганилган.

Ўзбекистонда мазкур йўналиш ривожига Э. Орипов, С.З. Муминов, Ғ.У. Рахматқариев, Б.Ж. Кабулов, Н.Қ. Мухаммадиев, О.Н. Рўзимуродов, И.Д. Эшметов, Р.И. Исмоилов, Қ.Ф. Халилов, Ш.М. Сайитқулов, С.И. Дустов ва бошқалар ўзларининг маҳаллий хом-ашёлар асосида сорбентлар олиш, табиий ва синтетик цеолитларни модификациялаш, уларнинг сорбцион ҳамда текстур характеристикаларини ўрганиш, оқова сувларни турли қўшимчалардан тозалаш каби муаммоларни ҳал этишга қаратилган изланишлари билан салмоқли ҳисса қўшишган.

Шунга қарамадан текстур характеристикаларни бошқариб, берилган хоссани номоён қиладиган мезоғовак кремнезем материаллар ва улар асосида турли композитлар олиш долзарб муаммолардан бўлиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий йўналишдир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига муовфиқ №ОТ-Ф7-83 “Хроматографик жараёнларни моделлаш, мақбуллаш ва “Ушланиш катталиклари - хоссалари” ўзаро боғлиқликларни

ўрганиш ҳамда уларни нанохроматографияда қўлланилиши” (2017-2020) фундаментал гранти доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** золь-гель технологияси ёрдамида турли рН ва температураларда сирт фаол моддаларни қўллаб мезоғовак  $\text{SiO}_2$  ҳамда  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{MeO}_2$  ( $\text{Me}=\text{Zr}, \text{Ti}; x=0,3\div 0,7$ ) нанокомпозит сорбентлар олиш ҳамда уларнинг геометрик, текстур, сорбцион характеристикаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли эритма муҳити ва температурада золь-гель технологияси ёрдамида сирт фаол моддалар иштирокида мезоғовак  $\text{SiO}_2$  ҳамда  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{MeO}_2$  ( $\text{Me} = \text{Zr}, \text{Ti}; x=0,3\div 0,7$ ) нанокомпозит сорбентлар олиш;

мезоғовак сорбентлар олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

сорбция сиғимининг сорбент синтези шароитлари ва температура ҳамда муҳитга боғлиқлигини 3D да ўрганиш асосида сорбция жараёнини баҳолаш;

мезоғовак сорбентларни қўллаб, юпқа қават хроматографиясида ва ЮССХ усулларида турли аралашмаларни ажратиш ва аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** мономер таркибли кремний алкоксида-ТЭОС,  $\text{ZrO}(\text{NO}_3)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  кристаллогидрати,  $\text{TiCl}_4$ , сирт фаол моддалар-ЦТАСІ ва ПЭГ-400 ҳамда улар асосида олинган мезоғовак  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{MeO}_2$  ( $\text{Me}=\text{Zr}, \text{Ti}, x=0,3\div 0,7$ ) нанокомпозит сорбентларнинг сорбцион қобилиятини баҳолаш учун бензол, n-гексан, толуол ва баъзи органик бўёқлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** мезоғовак  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{MeO}_2$  ( $\text{Me}=\text{Zr}, \text{Ti}$ ) нанокомпозит сорбентларда ғоваклик ўлчами ва сорбция катталикларининг реагентлар концентрацияси, концентрациялар нисбати, температура ва муҳит кўрсаткичига (рН) боғлиқлиги ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида сканерловчи электрон микроскопия, энергодисперсион спектроскопия, рентген фазавий таҳлил, инфрақизил спектроскопия ва симобли порометрия каби физик-кимёвий тадқиқот усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

турли температура ва муҳитларда “Золь-Гель” технологияси ёрдамида сирт фаол моддалар қўллаб ТЭОС,  $\text{ZrO}(\text{NO}_3)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  кристаллогидрати ва  $\text{TiCl}_4$  дан ғовақларининг ўртача диаметри  $2,2\div 73,0$  нм бўлган мезоғовак  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{MeO}_2$  ( $x=0,3\div 0,7$ ) нанокомпозит сорбентлар олинган ҳамда уларнинг текстур, геометрик ва сорбцион характеристикалари аниқланган;

мезоғовак сорбентлар олишнинг мақбул шароитлари танланган.  $30^\circ\text{C}$  ва  $\text{pH}=2,0$  да олинган сорбентда умумий ғовақларнинг 87,15% ни микроғовақлар,  $50^\circ\text{C}$  ҳамда  $\text{pH}=10,2$  да олинган сорбентларда эса 93,81 % ни мезоғовақлар ташкил этиши исботланган;

$30^\circ\text{C}$  ва  $\text{pH}=2,0$  да олинган  $\text{SiO}_2 \cdot 0,3\text{ZrO}_2$  таркибли сорбентда 6,25 моль/кг бензол буғлари, 5,13 моль/кг толуол буғлари, 3,84 моль/кг n-гексан буғлари ҳамда 2,61 моль/кг сув буғлари сорбцияланиши аниқланган;

мезоғовак сорбентларда юпқа қават хроматографияси усулида тетрагидроизохинолин ҳосилалари аралашмаларини аниқлаш, чиқинди сув таркибидан органик бўёқларни ажратиш ва нефть маҳсулотларининг гуруҳ таркибини ЮССХ усулида ўрганиш методикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

$SiO_2$  асосида мезоғовак сорбентлар ва композитлар синтез қилишнинг методикаси ишлаб чиқилган;

$SiO_2$  асосида мезоғовак сорбентлар ва композитлар синтез қилишнинг мақбул шароитлари топилган;

мезоғовак сорбентларда юпқа қават хроматографияси усулида тетрагидроизохинолин ҳосилалари аралашмаларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган;

чиқинди сув таркибидан органик бўёқларни ажратиш ва нефть маҳсулотларининг гуруҳ таркибини ЮССХ усулида ўрганиш методикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** золь-гель технологияси ёрдамида турли шароитларда олинган мезоғовак  $SiO_2 \cdot xMeO_2$  ( $Me=Zr, Ti, x=0,3 \div 0,7$ ) адсорбентларнинг фазавий таркиби рентген дифрактометрия ва ИҚ-спектроскопия, сирт морфологияси сканерловчи электрон микроскопия, элемент таркиби рентген микротаҳлили, текстур ва сорбцион характеристикалари эса симбли порометрия каби замонавий тадқиқот усулларида олинган ва статистик усулларда баҳоланган натижалар билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти золь-гель технологияси ва тескари микроэмульсия усули ёрдамида сорбцион хоссалари яхшиланган селектив, термик барқарор мезоғовак кремнезем сорбентлар ҳамда уларнинг композитларини олиш, уларнинг текстур, сорбцион характеристикаларининг сирт ҳодисалари физик кимёсига қўшган ҳиссаси билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мезоғовак сорбентларда юпқа қават хроматографияси усулида тетрагидроизохинолин ҳосилалари аралашмаларини аниқлаш, чиқинди сув таркибидан органик бўёқларни ажратиш ва нефть маҳсулотларининг гуруҳ таркибини ЮССХ усулида ўрганиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хроматография учун наносорбентлар ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“ $SiO_2$  асосида олинган мезоғовак сорбентнинг корхона оқова сувларини синтетик бўёқлардан тозалашда қўллаш” усули “АТUSH MИHNAT TEXTILE” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган ( “АТUSH MИHNAT TEXTILE” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг 2021 йил 6 августдаги 38-сон маълумотномаси). Натижада, оқова сувни бўёқлардан тозалашда 99,2% самарадорликка эришиш имконини берган;

“ $SiO_2$  асосида олинган мезоғовак сорбентдан қолдиқ намликни қуритиш” усули “АНMAD ISROIL TEX” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган ( “АНMAD ISROIL TEX” МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг 2021 йил 21 августдаги



62-сон маълумотномаси). Натижада, пайпоқ маҳсулотларини намликдан сақлаш муддатини икки баробар (50-60%) га узайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 23 та, жумладан 7 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 та мақола хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мезоғовак сорбентлар синтези ва хоссаларини текширишнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган I бобида мезоғовак сорбентларнинг олиниш усуллари, уларнинг геометрик, текстур ва сорбцион характеристикаларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати, золь-гель технологияси асосида мезоғовак сорбентлар олиш, турли сирт фаол моддалар иштирокида мезоғовак сорбентларнинг темплант синтези, мезоғовак сорбентларнинг модификацияси, композит наногибрид сорбентлар олиш усуллари ҳамда мезоғовак сорбентларнинг хроматографияда қўлланилишига доир илмий нашрларда чоп этилган ишларга шарҳлар берилган. Шунингдек, улар умумлаштирилиб, мезоғовак сорбентлар ва уларнинг композитларини олишда реагентлар нисбати, эритма муҳити ва температуранинг материал ғоваклик ўлчамларига таъсири бўйича ишлар атрофича амалга оширилмаганлиги, мезоғовак адсорбентлар ва уларнинг композитларида сорбция изотермасининг реагентлар нисбати, муҳит ва температурага боғлиқ ҳолда ўрганиш бўйича ишларнинг бажарилмаганлиги, шунинг учун мезоғовак композит сорбентларни синтез жараёнида реагентлар нисбати, эритма муҳити ва температура бўйича мақбуллаштириш берилган ўлчамдаги материаллар олиш нуқтаи назардан долзарб эканлиги асосланган.

Диссертациянинг II боби **“Тадқиқот объектлари, усуллари ва мезоғовак сорбентлар синтези”** га бағишланган бўлиб, унда  $\text{SiO}_2$  ва  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{MeO}_2$  бўлган нанокомпозит сорбентлар синтези учун зурур бўлган

реагентларнинг характеристикалари ва синтез методикалари ҳамда тадқиқот усуллари келтирилган. Сорбентлар сирти ва уларнинг ғоваклик даражаларини тадқиқ этиш усуллари сифатида дилотометрия, рентген дифрактометрия (XRD), сканерловчи электрон микроскопия, микрорентген таҳлил, ИҚ-спектроскопия, сорбция изотермасини ўрганиш учун эса Мак-Бен-Бакранинг сезгир кварц спиралли қурилмаси ва унда олинган натижалар асосида БЭТ ҳамда Ленгмюр изотермаларини тузиш ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Диссертациянинг III боби “**Нанокөмкөзит сорбентларнинг текстур характеристикалари ва физик-көмөвий хөссалари**” таҳлил этишга бағишланган.

Адсорбентларнинг сорбцион хөссалари уларнинг ғоваклик даражаси, сиртдаги сорбцион марказларнинг миқдори, композитнинг табиати ва бошқа омилларга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ўлчам орқали сорбцион хөссалари бошқариладиган сорбентлар, жумладан нанокөмкөзитлар олишга доир ишлар бажарилди. Шундан келиб чиққан ҳолда ғовакликнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар сифатида реагентлар концентрацияси, улар миқдорий нисбатлари, эритма муҳити, температура, сирт фаол модда табиатининг таъсири ўрганилди.

#### **Сорбентлар синтезида гөль хөсил бўлиш кинетикасини ўрганиш.**

Кремнезем ва нанокөмкөзит сорбентларнинг синтезида бирламчи золлардан гөль хөсил бўлиш вақти ҳамда унинг фаолланиш энергиялари ўрганилди. Бунинг учун дилотометр асбобида температуранинг ўзгариши ёрдамида ТЭОС дан гөль хөсил бўлиш вақти ( $t_g$ ) аниқланди ва унинг фаолланиш энергияси хисобланди. Золь-гөль технологияси ёрдамида кремнезем сорбенти учун гөль хөсил бўлишнинг фаолланиш энергияси  $E_a=32,3\pm 10,4$  кЖ/моль,  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  композит учун  $E_a = 63,6\pm 15,2$  кЖ/моль,  $SiO_2 \cdot TiO_2$  композит учун эса  $E_a = 65,9\pm 10,5$  кЖ/моль эканлиги аниқланди.

**Ғоваклар ўлчамига реагентлар концентрациясининг таъсири.**  $SiO_2$  ва нанокөмкөзит сорбентлар синтезида ғовак ўлчами ҳамда солиштирма сиртнинг шаклланишига реагентлар концентрациясининг таъсири ўрганилди. Олинган натижалар асосида БЭТ тенграмасини қўллаб сорбентларнинг қуйидаги муҳим текстур характеристикалари: солиштирма сирти ( $S_{БЭТ}$ , м<sup>2</sup>/г), ғоваклар ҳажми ( $V_s$ , см<sup>3</sup>/г), ўртача диаметри ( $D$ , нм) ва сорбция сифимлари ( $a_s$ , моль/кг) аниқланди (1-жадвал).

#### **1-жадвал**

#### **Кремнезем сорбентлар текстур характеристикаларининг ТЭОС концентрациясига боғлиқлиги (50°С да)**

ТЭОС, моль/л	$S_{БЭТ}$ , м <sup>2</sup> /г	$V_s$ , см <sup>3</sup> /г	$D$ , нм	$a_s$ , моль/кг	$\rho$ , г/см <sup>3</sup>
0,04	316,5±45,3	0,44±0,05	10,4±0,8	3,52±0,6	0,45±0,02
0,06	532,6±51,6	0,40±0,11	8,5±0,4	3,98±0,7	0,31±0,03
0,08	952,5±32,6	0,32±0,11	2,4±0,3	5,85±0,3	0,12±0,06
0,1	886,3±20,6	0,36±0,09	6,5±0,5	4,76±0,2	0,19±0,06
0,2	943,2±52,0	0,34±0,02	2,2±0,6	5,12±0,8	0,15±0,02

Жадвалдан, ТЭОСнинг концентрацияси 0,2 моль/л бўлган эритмасидан олинган сорбентнинг солиштирма сирт ўлчами 0,1 моль/л эритмасидан олинган сорбент сирт ўлчамидан 1,06 марта, 0,06 ва 0,04 моль/л эритмаларидан олинган сорбентга нисбатан эса мос равишда 1,77 ҳамда 2,98 баробар юқори бўлишини кўриш мумкин. Кремнезем сорбентлар синтезида ТЭОСнинг 0,08 моль/л концентрацияли эритмасидан олинган сорбент солиштирма сирти энг юқори бўлиб, унинг ўлчами  $952,5 \pm 32,6$  м<sup>2</sup>/г га тенг бўлиши кузатилди. Шунингдек, сорбентлар синтезида ТЭОС концентрациясининг ортиши ғоваклар ўртача диаметрининг камайишига, сорбция сиғимини эса (бензол буғлари бўйича) ортишига олиб келиши кузатилди. Сорбция изотермалари ва СЭМ ёрдамида олинган натижалардан ТЭОС нинг 0,2 моль/л бўлган эритмасидан синтез қилинган кремнезем сорбент умумий ғоваklarининг 90,2%, 0,1 моль/л эритмасидан олинган сорбентда 87,6%, 0,06 моль/л ва 0,04 моль/л концентрацияли эритмасидан олинган сорбентларда эса мос равишда 78,4% ҳамда 80,4 % ни мезоғоваклар ташкил қилиши ҳамда сорбентларнинг ғоваклик даражасининг ортиши ҳамда уларнинг сочилгандаги зичлигини  $0,45 \pm 0,02$  г/см<sup>3</sup> дан  $0,15 \pm 0,02$  г/см<sup>3</sup> гача камайишига олиб келганлиги қайд этилди.

Кремнезем сорбентлар синтезида ғоваклар структураси ва ўлчамини бошқарувчи агент ЦТАСІ сирт фаол моддасининг концентрацияси ортиши билан олинган сорбентларга бензол буғлари адсорбциясидан ҳосил бўлган изотермаларда гистерезис ҳалқалари ҳажмининг ортиши кузатилди. Бу эса ЦТАСІ концентрациясининг ортиши билан мезоғоваклар ҳажмининг ортишидан далолат беради (2-жадвал).


## 2-жадвал

### Кремнезем сорбент текстур характеристикаларига ЦТАСІ концентрациясининг таъсири

ЦТАСІ (моль/л)	ТЭОС (моль/л)	$S_{БЭТ}$ , м <sup>2</sup> /г	$V$ , см <sup>3</sup> /г	$D$ , нм	$a_s$ , моль/кг
0,02	0,1	$350,4 \pm 51,6$	$0,62 \pm 0,06$	$12,6 \pm 0,9$	$4,13 \pm 0,1$
0,04		$473,6 \pm 53,5$	$0,55 \pm 0,07$	$10,2 \pm 0,8$	$4,28 \pm 0,8$
0,06		$700,4 \pm 60,2$	$0,38 \pm 0,08$	$6,5 \pm 0,7$	$5,17 \pm 0,5$
0,08		$658,5 \pm 58,7$	$0,51 \pm 0,08$	$9,2 \pm 0,7$	$4,86 \pm 0,5$

Синтез жараёнида ЦТАСІ нинг эритмадаги концентрацияси 0,02 моль/л дан 0,08 моль/л гача ортганда сорбентнинг солиштирма сирт ўлчами  $350,4$  м<sup>2</sup>/г дан  $658,5$  м<sup>2</sup>/г гача ортиши аниқланди. Шунингдек, ғоваклар ўртача диаметрининг  $12,6$  нм дан  $9,2$  нм гача пасайиши бензол буғлари бўйича сорбцион сиғимни 1,17 марта ортишига олиб келганлигини кўриш мумкин (1-расм).

Золь-гель технологияси ёрдамида  $SiO_2 \cdot xZrO_2$  наноккомпозит сорбентлар синтезида эритмада  $ZrO_2$  золлари концентрациясинининг ортиши уларнинг солиштирма сирт ўлчами ( $S_{БЭТ}$ ), ғовакларнинг ҳажми ( $V_s$ , см<sup>3</sup>/г) ва ўртача диаметри ( $D$ , нм) ўзгаришига олиб келиши кузатилди.



**1-расм. Сорбцион сифимнинг ТЭОС ва ЦТАСІ концентрацияларига боғлиқлиги**

Синтез жараёнида  $50^{\circ}\text{C}$  да  $\text{ZrO}_2$  золлари 0,03; 0,05; 0,07 концентрация билан олинганда, улардан синтез қилинган сорбентларнинг текстур характеристикалари 3.2-жадвалда келтирилган тартибда ўзгариши кузатилди.  $\text{SiO}_2 \cdot 0,3\text{ZrO}_2$  сорбент солиштирма сиртининг ўлчами  $\text{SiO}_2 \cdot 0,5\text{ZrO}_2$  сорбент солиштирма сиртидан 1,27 марта,  $\text{SiO}_2 \cdot 0,7\text{ZrO}_2$  сорбент сирт ўлчамидан эса 3,22 марта катта бўлиши аниқланди.  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{ZrO}_2$  сорбент намуналари таркибида  $\text{ZrO}_2$  миқдорининг ортиши билан ғоваклар ўртача диаметрининг ортиши кузатилди (3-жадвал).

Шунингдек,  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{ZrO}_2$  (0,3÷0,7) композит сорбент таркибида  $\text{ZrO}_2$  миқдорининг ортиши билан уларда сочилгандаги зичликнинг ортиб боришини кўриш мумкин. Бу уларда ғоваклик даражасини камайишидан далолат беради.

**3-жадвал**

**$\text{SiO}_2 \cdot x\text{ZrO}_2$  сорбентларнинг текстур характеристикалари**

$C_M$ (моль/л)	$S_{\text{БЭТ}}$ , $\text{m}^2/\text{г}$	$V$ , $\text{cm}^3/\text{г}$	$D$ , нм	$\rho$ , $\text{cm}^3/\text{г}$
0,03	$975,6 \pm 92,6$	$0,82 \pm 0,09$	$6,5 \pm 0,5$	$0,34 \pm 0,06$
0,05	$768,4 \pm 78,4$	$0,65 \pm 0,06$	$52,4 \pm 3,8$	$0,73 \pm 0,06$
0,07	$302,6 \pm 35,8$	$0,34 \pm 0,04$	$60,2 \pm 4,6$	$0,95 \pm 0,10$

**Сорбентларнинг фазавий ва элемент таркиби.**  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{ZrO}_2$  ва  $\text{SiO}_2 \cdot \text{TiO}_2$  наноккомпозит сорбентларнинг фазавий таркиби рентген дифрактометрия усулида ўрганилди. Олинган дифрактограммалар калибрлаш стандартлари ёрдамида ярим миқдорий усул билан таҳлил қилинди.

Золь-гель технологияси ёрдамида олинган мезоғовак кремнезем сорбентларнинг рентген дифрактометрик таҳлил натижалари сорбентларнинг аморф, тетраэдр ва моноклиник кремнезем  $\text{SiO}_2$  фазаларидан иборат бўлиши аниқланди.

Кремнезем сорбентнинг рентген дифрактометрик таҳлилидан  $2\theta = 28,2^{\circ}$ ;  $36,2^{\circ}$ ;  $41,8^{\circ}$ ;  $55,2^{\circ}$  ва  $70,2^{\circ}$  соҳаларида юқори интенсивли тетраэдр  $\text{SiO}_2$  дан


ҳосил бўлган чўққилар мавжудлиги аниқланди,  $2\theta = 18,4^\circ \div 62,2^\circ$  соҳаларда эса кучсиз интенсивли аморф  $\text{SiO}_2$  спектрлари ҳосил бўлган.

$\text{SiO}_2 \cdot \text{TiO}_2$  рентген дифрактограммасидан  $2\theta = 22^\circ \div 27,2^\circ$  ва  $38^\circ \div 88,4^\circ$  бўлган соҳаларда мезоғовак аморф  $\text{SiO}_2$  га тегишли кучсиз интенсив сигнал ҳисобига ҳосил бўлган спектрлар аниқланди.  $2\theta = 27,8^\circ$ ;  $36,4^\circ$ ;  $38,2^\circ$ ;  $43,4^\circ$ ;  $55,6^\circ$  ва  $58,3^\circ$  соҳаларда тетрогонал  $\text{TiO}_2$  ҳисобига рентген нурунинг юқори дифракцияли интенсив чўққилар ҳосил бўлганлиги кузатилди. Сорбентнинг фазавий таркибини 41,4% аморф  $\text{SiO}_2$ , 53,5 % тетрогонал  $\text{TiO}_2$  ташкил қилиши аниқланди.

Турли температураларда ( $30^\circ\text{C}$ ,  $50^\circ\text{C}$ ,  $70^\circ\text{C}$ ,  $90^\circ\text{C}$  ва  $120^\circ\text{C}$ ) олинган  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{ZrO}_2$  нанокомпозит сорбентларнинг фазавий таркиби деярли бир хил эканлиги, фақат улар бир-биридан миқдорий жиҳатдан фарқ қилиши кузатилди. Жумладан,  $\text{SiO}_2 \cdot 0,3\text{ZrO}_2$  нанокомпозит сорбентларнинг рентген дифрактометриқ таҳлилидан намуналар фазавий таркиби полидисперс эканлиги қайд этилди, яъни  $2\theta = 18,1^\circ \div 82^\circ$  гача бўлган соҳаларда аморф  $\text{SiO}_2$  нинг зич кучсиз сигналли спектрларидан иборат эканлиги кузатилди.  $2\theta = 20,4^\circ$ ;  $27,9^\circ$ ;  $36,5^\circ$  ва  $69,2^\circ$ ,  $82^\circ$  соҳаларда аморф  $\text{ZrO}_2$  нинг кучсиз сигналли спектрлари ҳосил бўлиши аниқланди.  $2\theta = 22,8^\circ$ ;  $28,2^\circ$ ;  $36,4^\circ$ ;  $55,6^\circ$ ;  $57,2^\circ$  соҳаларда тетраэдр  $\text{SiO}_2$  нинг юқори интенсивли спектрлари ҳосил бўлиши аниқланди. Сорбентнинг фазавий таркибини эса, 55,2 % аморф  $\text{SiO}_2$ , 6,5 % тетраэдр  $\text{SiO}_2$  ва 38,3 % аморф  $\text{ZrO}_2$  дан иборат эканлиги аниқланди. Бу эса  $\text{SiO}_2 \cdot 0,3\text{ZrO}_2$  таркибга тўлиқ мос келади.

$\text{SiO}_2 \cdot 0,5\text{ZrO}_2$  сорбент намунасининг рентген дифрактометриқ таҳлилидан, спектрлар тақсимланишида олдинги намуналар билан деярли бир хил эканлиги, фазаларнинг миқдорий таркибида эса яққол ўзгаришлар борлиги кузатилди. Турли температурада олинган  $\text{SiO}_2 \cdot 0,7\text{ZrO}_2$  нанокомпозит сорбент намуналарининг таркиби асосан кристаллик фазалардан иборат бўлиши аниқланди.

**ИК спектроскопик таҳлил.**  $\text{SiO}_2 \cdot x\text{ZrO}_2$  ва  $\text{SiO}_2 \cdot \text{TiO}_2$  нанокомпозит сорбентларнинг таркибида атомлар ва атомлар гуруҳлари орасидаги кимёвий боғлар ИК спектроскопия усулида ўрганилди (2-расм).




2-расм.  $\text{SiO}_2 \cdot 0,3\text{ZrO}_2$  сорбентнинг ИК спектрлари

$SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  таркибли нанокөмпозит сорбент ИҚ спектрларининг 3000-3100  $см^{-1}$  соҳасида ҳосил бўлган чуққилар, адсорбиланган сув ва силонол гуруҳлар (Si-OH) орасидаги водород боғларининг валент тебраниши ҳисобига вужудга келганли аниқланди. ИҚ спектрларининг 10781-100  $см^{-1}$  диапазонида чўзилган чуққилар силоксан боғларининг (Si-O-Si) диформацияли тебранишидан, 950  $см^{-1}$  соҳадаги чуққилар эса, Si-O-Si боғларининг валент тебраниш частотаси ҳисобига ҳосил бўлганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, спектрларнинг 890-900  $см^{-1}$  соҳаларида кучсиз сигналли чуққилар Si-O-Zr боғларининг диформацияли тебранишидан ҳосил бўлиши кузатилди. ИҚ спектрларининг 450-500  $см^{-1}$  диапазонидаги чуққилар эса, Zr-O-Zr боғлари ҳисобига вужудга келган.

**Сорбентларнинг адсорбция изотермалари ва сирт морфологияси.** Золь-гель технологияси орқали турли температурада олинган  $SiO_2$  ва  $SiO_2 \cdot xMeO_2$  (Zr, Ti) сорбентларга моддалар сорбциясидан олинган изотермалар ёрдамида уларнинг текстур характеристикалари ўрганилди.

Золь-гель технологияси ёрдамида турли температурада олинган  $SiO_2 \cdot xZrO_2$  нанокөмпозит сорбентларнинг текстур характеристикалари ҳисобланди. 30°C да ҳамда эритма рН қиймати 2,0 га тенг тенг бўлганда олинган  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  нанокөмпозит сорбентда учувчан органик бирикмалар сорбцияланишидан ҳосил бўлган сорбция изотермалари 3-расмда келтирилган.



**3-расм.  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  нанокөмпозит сорбентда бирикмаларнинг сорбция изотермалари**

30°C да синтез қилинган  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  сорбентда бензол буғи адсорбцияси нисбий босим нолдан,  $p/p_s=0,2$  гача кескин кўтарилиши орқали микроғоваклар тўйиниш ҳолатига яқинлашиб бориши кузатилди. Нисбий босимнинг  $p/p_s=0,4 \div 0,6$  оралиғида адсорбция ва десорбция изотермаларида капилляр конденсация ҳисобига жуда кам миқдорда ажралиш содир бўлган. Бу 30°C да олинган сорбент намуналарида ўлчамлари жиҳатдан жуда кичик бўлган мезоғоваклар ҳам мавжудлигидан далолат беради.

Сорбентларда умумий ғовакларнинг 91,6% микроғоваклар, 5,6 % эса мезоғоваклар ташкил қилиши аниқланди.

Синтез жараёнида гидролиз катализатори сифатида  $\text{NH}_4\text{OH}$  ( $\text{pH}=10,2$ )ни қўллаб олинган сорбентнинг сорбция изотермаларидан эса 85,2% микроғоваклардан ва 10,5% мезоғоваклардан иборат эканлиги аниқланди. Изотермалар ИЮПАК таснифи бўйича I типга мансуб. Олинган натижалар СЭМ таҳлилида олинган натижалар билан мос келиши аниқланди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### $\text{SiO}_2 \cdot x\text{ZrO}_2$ ( $x=0,3 \div 0,7$ ) сорбентларнинг текстур характеристикалари

Адсорбент	pH	$S_{\text{БЭТ}}$ , м <sup>2</sup> /г	$a_m$ , моль/кг	$a_s$ , моль/кг	D, нм
$\text{SiO}_2 \cdot 0,3\text{ZrO}_2$	2,0	975,6±100	2,6±0,2	6,2±0,8	0,8±0,05
	5,2	710,2±100	1,2±0,1	3,7±0,5	2,5±0,42
	10,2	816,3±100	1,75±0,6	4,5±0,2	1,3±0,23
$\text{SiO}_2 \cdot 0,5\text{ZrO}_2$	2,0	816,2±50	0,45±0,02	4,5±0,5	12,5 ±1,1
	5,2	523,4±20	0,82±0,04	3,8±0,4	32,4±2,2
	10,2	763,8±20	0,58±0,03	3,8±0,3	25,3±1,7
$\text{SiO}_2 \cdot 0,7\text{ZrO}_2$	2,0	232,4±20	0,44 ± 0,03	1,8±0,2	52,2 ±3,8
	5,2	110,3±10	0,32 ± 0,02	1,6±0,2	72,8±6,2
	10,2	284,5±10	0,30 ± 0,03	0,8±0,1	60,5±5,3

$\text{SiO}_2 \cdot 0,7\text{ZrO}_2$  нанокомпозит ғоваклар ўртача диаметри 60,5±5,2 бўлиб, улар макроғоваклар даражасида эканлиги ва сорбентнинг адсорбцион сифими жуда паст кўрсаткичда эканлиги аниқланди.

Бензол буғи сорбция изотермалари ёрдамида микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси ва Дубинин-Астахов тенгламасидан турли нисбий босимда ( $p/p_s$ ) аниқланган адсорбция ҳажмлари,  $p/p_s=0,4$  микроғоваклар ҳажми  $W_0$ , мезоғоваклар ( $W_{\text{мезо}}=V_s-W_0$ ) адсорбентларнинг тўйиниш ҳажмлари ( $V_s$ ) ҳисобланди (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### 30°C да ва турли pH қийматларда $\text{SiO}_2 \cdot 0,3\text{ZrO}_2$ нанокомпозит сорбентларнинг бензол буғи адсорбциясига кўра ғоваклар ҳажми



Синтез жараёнининг pH қиймати	$W_0 \cdot 10^3$ , см <sup>3</sup> /г	$W_{\text{ме}} \cdot 10^3$ , см <sup>3</sup> /г	$V_s \cdot 10^3$ , см <sup>3</sup> /г
2,0	0,155 ± 0,04	0,224 ± 0,2	0,309 ± 0,25
5,2	0,216 ± 0,08	0,342± 0,1	0,558 ± 0,12
10,2	0,270± 0,04	0,416 ± 0,8	0,686 ± 0,15

Кучсиз ишқорий муҳитда олинган сорбент намунасида умумий ғоваклар ҳажми 0,386 см<sup>3</sup>/г ни ташкил қилиб, кислотали муҳитда олинган сорбентларга нисбатан тўйиниш ҳажми 2,8 марта кичик эканлигини кўриш мумкин. Бундан синтез жараёнида эритма муҳитининг ўзгариши сорбент ғоваклар ҳажмига бевосита таъсир қилади дейишга асос бўлади.

50°C да ҳамда эритманинг муҳити pH=2,0 ва pH=10,2 да олинган  $\text{SiO}_2 \cdot 0,3\text{ZrO}_2$  нанокомпозит сорбентлар сиртида ғоваклар тақсимланишини ва улар





ўртача диаметрини СЭМ ёрдамида олинган тасвирларда кўриш мумкин (4-расм).



**4-расм. 50°C да рН=2,0 да темплант ПЭГ-400 ва рН=10,2 да СФМ ЦТАСІ ни қўллаб олинган SiO<sub>2</sub>·0,3ZrO<sub>2</sub> сорбентлар сиртининг СЭМдаги тасвири**

Адсорбция изотермалари ва СЭМ таҳлилидан олинган натижаларга кўра 50°C да сорбент намуналарида ғовакларнинг сирт юзада тақсимланишини кўйидаги графиклар асосида ифодалаш мумкин (5-расм). Унга кўра сорбентларда умумий ғовакларнинг 89,6-93,4% мезоғовакларга, 2,3-6,7% эса микроғовакларга тўғри келиши аниқланди.



**5-расм. 50°C да рН 2,0 ва 10,2 да олинган сорбентлар сиртида ғоваклар ўлчами бўйича тақсимоти**

Турли нисбий босимларда бензол буғи адсорбциясидан олинган изотермалар БЭТ тенгламасининг чизиқли шаклига мослиги ўрганилди.

$$\frac{p/p_s}{a(1-p/p_s)} = \frac{1}{a_m \cdot C} + \frac{C-1}{a_m \cdot C} \cdot (p/p_s)$$

Турли нисбий босим ( $p/p_s$ ) адсорбатнинг сорбцияланган миқдори ёрдамида  $\frac{p/p_s}{a(1-p/p_s)} = f(p/p_s)$  боғлиқлик асосида 50°C да олинган сорбент намуналарининг ҳар хил нисбий босимларда бензол буғи адсорбция изотермасининг БЭТ моделининг чизиқли шаклига мослиги қайд этилди.


Реагентлар ТЭОС ва Н<sub>2</sub>О дан 1:4 моль нисбатда олиб синтез қилинган SiO<sub>2</sub>·TiO<sub>2</sub> композит сорбентларга бензол ва сув буғларининг адсорбциясидан олинган сорбция/десорбция изотермаларидан улар мезоғоваклардан иборат эканлиги аниқланди.

SiO<sub>2</sub>·TiO<sub>2</sub> нанокompозит сорбентларга бензол буғи адсорбция изотермалари ИЮПАК таснифи бўйича IV типга мансуб бўлиб, нисбий босим




$p/p_s=0,4\div 0,8$  да капилляр конденсация ҳисобига гистерезис ҳалқалари ҳосил қилиши аниқланди.

Синтез жараёнида ғоваклар структураси ва ўлчамларининг эритма муҳитига боғлиқ ҳолда шаклланиши адсорбентларнинг сорбция сиғимини белгилаб бериши аниқланди. Золь-гель жараёнида температуранинг ортиши сорбентларнинг ғоваклик даражасига бевосита таъсир этади. Нисбатан паст ҳароратларда олинган сорбентларга турли органик бирикмалар адсорбция сиғими юқори эканлигини юқоридаги маълумотлар асосида хулоса қилиш мумкин (6-расм).



**6-расм. Турли температура ва эритма муҳитида олинган  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  таркибли сорбентда сорбция сиғимининг ўзгариши**

Умумий ҳолатда қилинган сорбент намуналарининг солиштирма сирти ва ғоваклар ўртача диаметрининг шаклланишига температура ва эритма муҳитининг таъсири 3D графигини тузиш асосида ўрганилди (7-расм).



**7-расм. Сорбент намуналари синтезида ғоваклар ўлчами (a) ва сорбент солиштирма сирт юзасининг (b) шаклланишига эритма муҳити ва температуранинг таъсири**

Расмдан ўзаро таъсирга жавоб берадиган 3D сирт ва контур участкаларида температура ва эритма муҳитининг ўзгариши ҳисобига учинчи функция бўлган ғоваклар ўлчамининг координата ўқлари бўйича ўзгариши

келтирилган (а). Расмдан кўриниб турибдики, температура ортиши (А параметрнинг ўзгариши) ғовак ўлчамининг (С параметр) ўзгаришига чизикли боғлиқ. Температуранинг ортиши эритма муҳитининг (В параметр) ортишига нисбатан ғовак ўлчамининг ортишига кўпроқ таъсир қилиши аниқланди.

Тажриба натижалари асосида ғовак ўлчамининг температура ва эритма муҳитига боғлиқлик қийматларининг мослик даражаси ( $R^2$ ) 0,8947 эканлиги аниқланди.

Юқорида олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, золь-гель синтез жараёнида паст температурада СФМ молекуласи ва кремний прекурсорларининг ўзаро ( $S^0H^+$ )( $X^-I^+$ ) таъсирига мувофиқ тартибланган ва бир хил ўлчамли мицелла ҳосил қилиши натижасида монодисперс табиатли ғовакларга эга сорбент олиш мумкин.

Температуранинг ортиши эса поликонденсация реакция тезлигини, шу билан бирга термодинамик нуқтаи назардан система тартибсизлик даражасини оширади ва гель ҳосил бўлиш вақтини қисқартиради.

Бироқ юқори температурада СФМ ва кремнезем прекурсори ўртасидаги ўзаро таъсир суслиги сабабли тартибсиз матрицаларни ҳосил бўлишига олиб келади. Натижада калцинация босқичидан сўнг ғоваклар ўлчами йирик бўлган сорбент намуналари олинади.

Диссертациянинг “Мезоғовак сорбентларнинг қўлланилиши” деб номланган IV бобида олинган сорбентларнинг хроматографияда қўлланилишини текширишга мисоллар келтирилган.

**Юпқа қават хроматографияси ёрдамида мезоғовак сорбентларда тетрагидроизохинолин ҳосилалари аралашмаларини ажратиш.** Мезоғовак кремнезем ва нанокомпозит сорбентларнинг қўлланилиш имкониятлари юпқа қават хроматографияси усулида гомовератриламнининг турли органик кислоталар билан конденсатланиш ҳамда циклланиш реакциясидан ҳосил бўлган тетрагидроизохинолин ҳосилаларини ажратиш ёрдамида баҳоланди. Бунинг учун юпқа қават сорбент қуйидагича тайёрланди: 0,80 грамм микдордаги сорбент ( $SiO_2$ ,  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  ёки  $SiO_2 \cdot TiO_2$ ) намунаси 20% карбоксиметил целлюлозанинг натрийли тузи эритмаси билан аралаштирилди. Олинган аралашма ўлчами 3x10 см бўлган шиша пластинка сиртига юпқа қават қилиб (тахминан 0,5 мм қалинликда) ётқизилди. Ҳаракатдаги фаза сифатида тетрагидроизохинолин аралашмаларининг табиатига қараб бензол/метанол ҳамда хлороформ/метанол системаси ишлатилди. Намунани хроматографлаш ишлари алоҳида камерада олиб борилди ҳамда тетрагидроизохинолин аралашмаларининг юпқа қаватдаги ҳаракатини баҳолаш учун  $R_f$  қиймати ҳисоблаб топилди. Натижалар LS 5/40  $\mu$  маркали силикагелда олинган маълумотлар билан солиштирилди.

Гомовератриламнининг мой кислота билан конденсатланиш ва циклланиш реакциясидан ҳосил бўлган тетрагидроизохинолин ҳосилаларини юпқа қаватда ажратиш учун ҳаракатдаги фаза сифатида хлороформ/метанол (ҳажмий нисбати 6:1) қўлланилди. LS 5/40  $\mu$  силикагель,  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  ва  $SiO_2 \cdot 0,5ZrO_2$  сорбентларида қутбли эритувчилар хлороформ/метанолнинг 4:1 ҳажмий нисбатдаги эритувчилардан иборат система ёрдамида изохинолин

ҳосилалари ажралиши ўрганилди. Натижада амалда ишлатиладиган силикагелда тетрагидроизохинолин ҳосилалари аралашмасининг таркибий қисмларга жуда кам миқдорда ажралиши кузатилди ( $R_f = 0,38$ ). Мезоғовак сорбентларда эса реакцияга киришмай қолган реагентларнинг ва маҳсулотларнинг ажралиш даражаси ( $R_f = 0,52$  ва  $R_f = 0,8$ ) силикагелдагига нисбатан юқори эканлигини қайд этиш мумкин.

**Мезоғовак кремнезем сорбентда баъзи бўёқлар адсорбциясини ўрганиш.** Мезоғовак кремнезем сорбентда ( $SiO_2$ ) бўёқ моддаларнинг адсорбциясини ўрганиш учун метилен кўки бўёғи эритмасидан фойдаланилди. Изотерма таҳлилидан сорбентнинг метилен кўкига нисбатан сорбция сиғими 20 мг/г га тўғри келиши аниқланди. Бу эса уни метилен кўки билан ифлосланган сувларни ундан тозалашда фойдаланиш имконини беришидан далолат беради.

**Нефть ва нефть маҳсулотларининг гуруҳ таркибини суюқлик хроматографияси усулида аниқлаш.** Нефтнинг гуруҳ (алканлар, циклоалканлар ва аренлар) таркибини аниқлаш учун синтез қилинган мезоғовак  $SiO_2$  сорбенти ва  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  ҳамда  $SiO_2 \cdot TiO_2$  композитлари ишлатилди. Бунинг учун ички диаметри 4,6 мм ва узунлиги 150 мм бўлган зангламас пўлатдан тайёрланган хроматографик колонка сорбент ёки композит билан тўлдирилди. Тўлдирилган колонкалар навбати билан УБ детектор билан жиҳозланган “Цвет 3000” суюқлик хроматографика ўрнатилди. Эллюент сифатида кимёвий жиҳатдан тоза гексан ишлатилди, унинг сарфи 5 ÷ 25 мл/мин. ташкил этди. Хроматографик ажралиш жараёнлари хона температурасида амалга оширилди. Колонкаларнинг самарадорлиги бензолга нисбатан баҳоланиб, унинг қиймати ( $H, 1/мм$ ) 50-60 га мос келди. Эллюентнинг мақбул сарфи берилган сорбент ва композитлар учун мос равишда 12 ва 15 мл/мин. ни ташкил этди. Шундан кейин нефть таркибига кирувчи октан, циклогексан ва бензолдан ташкил топган сунъий аралашманинг берилган сорбент ва композитларда ажралиши ўрганилди.

Мақбул шароитларда нефть ва баъзи нефть маҳсулотларининг гуруҳ таркиблари ўрганилди ва натижада синтез қилинган мезоғовак  $SiO_2$  кремнеземдан суюқлик хроматографиясида сорбент сифатида фойдаланиб, нефть ҳамда нефть маҳсулотларининг гуруҳ таркибини аниқлаш мумкин эканлиги кўрсатилди.

“Хроматография учун наносорбентлари ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

## ХУЛОСАЛАР

1. Золь-гель технологияси ва тескари микроэмульсия усули ёрдамида кремнезем ( $SiO_2$ ) ҳамда  $SiO_2 \cdot xMeO_2$  ( $Me = Zr, Ti$ ) композит сорбентлар синтез қилинди. Синтез жараёнида сорбентларнинг текстур характеристикалари жумладан, сорбентларнинг солиштирма сирти, ғоваклар ўртача диаметри ва ҳажмининг шаклланишига температура, эритма муҳити ва реагентлар

концентрациясининг таъсири ўрганилди. Унга кўра, турли эритма муҳити ва температурада олинган сорбентлар учун ғоваклар ўртача диаметри  $D=2,2\div 73,0$  нм, сирт юзасининг ўлчами  $S_{БЭТ}=200\div 975,6$  м<sup>2</sup>/г, ғовакларнинг ўртача ҳажми  $V_s=0,205\div 0,412$  см<sup>3</sup>/г га эга эканлиги қайд этилди.

2. Мезоғовак сорбентлар олишнинг мақбул шароитлари танланди. Унга кўра 30°C ва рН=2,0 да олинган сорбентда микроғоваклар улуши 87,15 % ни, 50°C ва рН=10,2 да эса мезоғоваклар улуши 93,81 % ни ташкил этиши қайд этилди.

3. Кремнезем ва композит сорбентларнинг фазавий таркиби реагентларнинг концентрациясига мослиги рентген дифрактометрия ҳамда рентген микротаҳлил усуларида исботланган, СЭМ да олинган натижалар эса сорбент сиртида ғоваклар ўлчамлари бўйича тенг тақсимланганлиги ва уларнинг ўртача диаметри бир хил эканлиги билан изоҳланади.

4.  $SiO_2 \cdot xMeO_2$  таркибли мезоғовак сорбентларда сув ва баъзи органик моддалар адсорбциясидан олинган сорбция изотермалари ўрганилди ва 30°C да олинган изотермалар ИЮПАК таснифи бўйича I типга, яъни микроғоваклардаги бир қатламли адсорбцияни, 50°C ва 70°C ва да 90°C ларда олинган изотермалар эса IV типга мансуб бўлиб, полимолекуляр адсорбция кузатилганлиги ҳамда сув буғлари адсорбцияси изотермаси V типга мансуб бўлиб, юқори нисбий босимда йирик гистерезис ҳалқаларини ҳосил қилиши қайд этилди.

5. 30°C ва рН=2,0 да олинган  $SiO_2 \cdot 0,3ZrO_2$  таркибли сорбентда 6,25 моль/кг бензол буғи, 5,13 моль/кг толуол буғи, 3,84 моль/кг п-гексан буғи ва 2,61 моль/кг сув буғи сорбцияланиши ўрнатилди.

6. Мезоғовак сорбентларда юпқа қават хроматографияси усулида тетрагидроизохинолин ҳосилалари аралашмаларини ажратиш ҳамда аниқлашда, чиқинди сув таркибидан органик бўёқларни ажратиш ва нефть маҳсулотларининг гуруҳ таркиби ЮССХ усулида ўрганиш методикаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
PhD.03/30.12.2019.K.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УЗОКОВ ЖАВЛОН РУСТАМБОВИЧ**

**НАНОСОБЕНТЫ ДЛЯ ХРОМАТОГРАФИИ И ИХ ФИЗИКО-  
ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА**

**02.00.04 - Физическая химия**

**02.00.12-Нанохимия, нанофизика и нанотехнология (химические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/K338

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Мухаммадиев Нурали Курбаналиевич  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Эшмаматова Нодира Бахромовна  
доктор химических наук, доцент

Эшметов Иззат Дусимбатович  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** Институт химии и физики полимеров АН РУз

Защита диссертации состоится «31» 01 2022 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15, физико-химический корпус, 3-й этаж, 305 комната. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за № 10. С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар 15, ИРЦ. Тел.: (99866)239-11-51. E-mail: [m\\_nasrullaeva@mail.ru](mailto:m_nasrullaeva@mail.ru)

Автореферат диссертации разослан «20» 01 2022 года.  
(Реестр протокола рассылки № 11 от «19» 01 2022 г).



**Насимов А.М.**  
Председатель разового научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.т.н., профессор

**Сайиткулов Ш.М.**  
Ученый секретарь разового научного  
совета по присуждению учёной степени,  
к.х.н., доцент

**Нормахматов Р.**  
Председатель разового научного  
семинара при Научном совете  
по присуждению учёной степени,  
д.т.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире кремниевые материалы и мезопористые сорбенты на их основе находят широкое применение в различных областях науки и промышленности благодаря таким уникальным свойствам, как химическая, термическая, механическая стабильность, высокие сорбционные свойства, каталитическая инертность. Их отличительные особенности, имеющие особое практическое значение, связаны с большой площадью поверхности и высокой степенью пористости. Поэтому мезопористые материалы играют важную роль при получении теплозащитных покрытий, в производстве альтернативной энергетики, катализаторов, в качестве носителя и сорбента при хроматографическом разделении, разделении генов, хроматографическом анализе лекарственных средств, очистке сточных вод от различных загрязнений, производстве химических сенсоров.

В мире достигнуты большие успехи в синтезе мезопористых материалов и композитов и изучении их текстурных характеристик. В частности, получены результаты исследования текстурно-геометрических и сорбционных характеристик мезопористых сорбентов и их различных композитов с помощью электронной микроскопии, дифрактометрии и изотерм сорбции. В то же время одной из актуальных проблем получения мезопористых сорбентов является получение мезопористых сорбентов и различных композитов на их основе, контролирующих свои текстурные характеристики и проявляющих заданное свойство.

Одним из наиболее эффективных направлений исследований в этой области в нашей стране является синтез природных и синтетических цеолитов, сорбентов на основе местного сырья и изучение их свойств с уделением особого внимания им и достижением определенных результатов. Стратегия действий<sup>2</sup> по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет важные задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, разработки принципиально новых продуктов и технологий, обеспечивая тем самым конкурентоспособность национальных товаров на внутреннем и зарубежном рынках». В связи с этим актуально разработать новые методы получения мезопористых материалов и композитов на основе золь-гель технологии и обратной микроэмульсии, изучить текстурные, геометрические, сорбционные характеристики полученных материалов, расширить их применение на практике, в том числе в хроматографии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных указами как ПП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 23 августа 2017 года № ПП-3236 «О Программе развития химической промышленности на 2017–2021 годы», № ПП-3479 от 17 января 2018 г. «О мерах по стабильному обеспечению

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»;

отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья”, № ПП-4805 “О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии”, и другими нормативно-правовыми актами, относящимися к этой деятельности.

**Соответствие исследования приоритетных направлений развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

